

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Муסיқий таълим кафедраси

М. Ахунбоевнинг «ВОКАЛ ИЖРОЧИЛИГИ» фанидан
бир соатлик амалий машғулот учун

Дарс ишланмаси

Мавзу: М. Ахунбоевнинг «Ўзбекистон бебаҳо диёр» қўшиғини
ўрганиш

Наманган 2011 йил

Мазкур дарс ишланмаси Мусиқий таълим кафедрасининг кундузги бўлим талабаларига мўлжалланган.

Тақризчилар:

катта ўқитувчи А. Комилов
Наманган шаҳар педагогика
коллежи ўқитувчиси Р. Абдурахмонов

Кафедра мудири:

доц. О. Азизов

Дарс ишланмаси кафедранинг 2011 йил 12 майдаги йиғилишида маъқулланган.

НамДУ Мусиқий таълим кафедраси

**Композитор М. Ахунбоевнинг “Ўзбекистон бебаҳо диёр”
ва шоир Э. Нурматов қўшиғини
ўрганиш услуби.**

Дарснинг мақсади:

“Вокал ижрочилиги” фани бўйича асарларни чалиб куйлаш кўникмасини ҳосил қилиш.

Дарснинг таълимий мақсади:

асарни муסיқий таҳлил (аннотация) қилишга ўргатиш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти:

асар орқали талабаларда Ватанга меҳр-муҳаббат ҳиссини тарбиялаш.

Керакли жиҳозлар:

кўшиқлар хрестоматияси қўлланмаси, фортепиано, доира чолғулари.

Асар билан олиб бориладиган жараён:

- а) “Ўзбекистон бебаҳо диёр” қўшиғини муסיқий таҳлил қилиш;
- б) асарни санок билан чалиб ўрганиш фразалар бўйича;
- в) асарни сольфеджио қилиб куйлаш;
- г) асар матнини соз жўрлигида куйлаш;
- д) асарни ўқувчиларга ўргатиш бўйича тушунчалар бериш;
- е) уйга топшириқ.

ДАРСНИНГ БОРИШИ:

Талаба билан аввалги дарсда ўрганилган “Ўзбекистон бебаҳо диёр” асарини такрорлаш, мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон бебахо диёр

М. Ахунбаев мусиқаси
Э. Нурматов шеъри



Ўзбекистон – Бебаҳо диёр

Э. Нурматов шеъри

Тўрт фаслида хуснда нодир
Тупроғи ҳам гўё жавохир
Тошида гул унмоғи бордир
Ўзбекистон бебаҳо диёр.

Нақорот

Ўзбекистон, Ўзбекистон,
Ўзбекистон бебаҳо диёр

Мард элига қуёш ҳам мафтун
Ой уни деб бедор кезар тун
Баҳор интиқ дийдори учун
Ўзбекистон бебаҳо диёр.

Нақорот.

Мозийдан шонлар уйғонур
Асрга тенг онлар уйғонур
Не – не буюк жонлар уйғонур
Ўзбекистон бебаҳо диёр.

Нақорот.

Истиқлолди қутлуғ маёғи
Яшнаб турар шундан байроғи
Бўлмасин ҳеч умрин адоғи
Ўзбекистон бебаҳо диёр.

Нақорот

Ўзбекистон, Ўзбекистон,
Ўзбекистон бебаҳо диёр

Талаба билан аввалги дарсда ўтилган Э. Нурматовшеъри билан йтиладиган композитор М. Ахунбоевнинг “Ўзбекистон Бебаҳо диёр” кўшиғини такрорлаш, мустахкамлаш.

Асарни талаба билан қисқа таҳлил қилинади, ижро этирилади, куйлатилади ва ўргатиш методикаси ҳақида сўралади.

Кириш суҳбати. кўшиқ ўргатишни бошлашдан аввал ўтказиладиган кириш суҳбатида талаба асарнинг муаллифлари билан таништирилади. Бунда ўқитувчи композитор ва шоир номини айтиб, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қисқача маълумот беради. Суҳбат жараёнида талабадан композиторнинг яна қайси кўшиқларини билиши ва эшитганлигини сўраш мумкин.

1. “ДЎзбекистон бебаҳо диёр” кўшиғини мусиқий таҳлили. Композитор М. Ахунбоевнинг “Ўзбекистон бебаҳо диёр” кўшиғи скрипка (*соль*) калитида, 6-8 ўлчовда, ми минор тоналлиги (баландлиги)да ёзилган. Куплет – нақоратли шаклдаги кўшиқдир. Шунинг учун асарнинг нақорат қисмига реприза қўйилган ва у икки марта қайта ижро этилади. Асарда яримталиқ, чоракталиқ ва нимчорак ўн олтиталиқ ноталар, чорак ва нимчорак паузалар мавжуд. “Дугоналар” товуш чўзимини узайтирувчи белгилардан лига 2-3-4-5-6-7-8-9-10-11-12-13-14- тактлардан; нуктали ноталар эса 8-9-12-13-14-да учрайди.

2. Асарни санок билан чалиб ўрганиш фразалар бўйича.

Кўшиқ етти фраза, жумладан иборат бўлиб, ҳар бир фраза алоҳида – алоҳида сольфеджио қилиб куйланиб, фразалар кетма- кет кўшиб куйлаб, ўрганиб борилади. Ноталарни ижро этаётган вақтда ҳар бир такт олдини иккига санаб, лига белгисига қатий эътибор бериб ўрганиш талаб этилади.

3. Асарни сольфеджио қилиб куйлаш. Асарни сольфеджио қилиб куйлаш орқали унинг тонлиги, мусиқий ўлчови, кўшиқнинг темпи ва ҳокозолар, нота орқали кўшиқ куйини талабага сингдириб борилади. кўшиқни куйлаш жараёнида учрайдиган белгилар: нафас олиш, нафас чиқариш, товуш кучайтириш, товушни сусайтириш, қаттиқ куйлаш (форте, пиано) секин куйлатиш (пиано), ўртача қаттиқ (меццофорте), ўртача секин (меццо пиано) бир хил баландликдаги товушларни белгилайдиган “лига” (боғлаш) ҳар хил баландликдаги товушларни бир – бирига боғлайдиган “легато” белгиси баъзи бир товушларни маълум давргача чўзиб туриш учун қўлланиладиган фермато белгиси, кўшиқда учрайдиган токрорлаш, реприза, волта ва бошқа белгилар асарни мукамал чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

4. Асар матнини соз жўрлигида куйлаш. Уни фортепиано ёки рубоб жўрлигида матни куйланади. Кўшиқ соз жўрлигида куйлаб бўлингандан сўнг,

ўқитувчи иккинчи суҳбатни ўтказди. Бу суҳбатда кўшиқ тўлиқ таҳлил қилиниб, унинг тузилишидаги ўзига хос томонлари талабанинг назарий билимлари доирасида тушунтирилади. Тушунтиришда кўшиқ оҳангини, шаклини, кўшиқда жўрликнинг ролини, кўшиқнинг характери очиқ бериш мумкин. Кўшиқ таҳлилини унинг бадиий образи ва хусусиятларини бир – бирига боғлаб олиб бориш билан дарс жонли ва қизиқарли ўтказилади.

5. “Ўзбекистон бебаҳо диёр” асарини ўқувчиларга ўргатиш бўйича тушунчалар.

Ўқитувчи кўшиқ ҳақида ўтказган суҳбатдан сўнг унинг матнини ўргатади. ўқитувчи аввал матнини тўлиқ, ифодали ўқийди. матннинг биринчи куплетини ифодали ўқийдиган ўқувчиларадан бири ўқийди, шундан кейингина ўқувчиларнинг барчаси биргаликда матнни такрорлайди. Ўқитувчи сўзлар талаффузининг тўғрилигини, урғулар аниқлигини текшириб боради.

Матн қайта ўқилганда унинг ифодали ўқилишига эътибор бериш керак. Кўшиқ шеъри ёд олингандан сўнг унинг куйини ўрганишга ўтилади.

Кўшиқ куйини ўрганилаётганда ўқувчиларнинг нотага қараб туришларини, куй йўналиши, паст – баландлигини кузатиб боришни талаб қилиш керак. Куйлаш олдидан ўқитувчи ўқувчиларга савол бериб, кўшиқ оҳангини, тонлигини, куй қайси товушдан бошланишини сўрайди, куйнинг тузилишини таҳлил қилади. Кейин ўқувчилар авозини шу кўшиқ ладига созлаш учун унинг уч товушлигини эшиттиради, буни бутун синф такрорлайди. Уч товушликни тоникада тўхлиш билан тугаллаш учун олдин юқорига, сўнг пастга томон куйлаш талаб қилинади. Кўшиқнинг ритмик тузилиши мураккаб бўлса, бирор ашё (предмет) га қалам ёки қўл билан уриб, унинг ритминини аниқ ифодалаб кўрсатилади. Кейин куйни сольфеджио қилиш бошланади. Ўқувчиларда тегишли мусиқа тайёрлиги бўлмаса ўқитувчи кўшиқ куйини чолғу асбобида чалиш билан уларга сольфеджио қилишда жўр бўлиб кўмаклашиб туриши керак.

Кўшиқнинг бадиий ижросини яхшилаш иши кўшиқни ўрганиш вақтида бошланади. Оҳанг ҳосил қилиш, нафас олиш ва чиқариш, яхши ансамбль, аниқ талаффуз – кўшиқни бадиий ижро этиш элементларидир. Лекин шунга қарамай, кўшиқ ўрганишдаги дастлабки вақтда кўшиқнинг ҳар бир товуши баландлигини аниқ интонация қилиш ўзлаштириш муҳим ишдир. Сўнг эса кўшиқнинг бадиийлиг устида ишлаш: темпда, динамик тусларда, нюансировка, ҳис туйғу билан куйлаш ва мусиқавий образни равшан очиқ бериш навбатдаги вазифага айланади.

6. Уйга топшириқ.

“Ўзбекистон бабаҳо диёр” қўшиғини чалиб, сольфеджио қилиб куйлашни ўрганиб келиш.

Дарс жараёнида берилиши лозим бўлган саволлар:

1. “Ўзбекистон бабаҳо диёр” асарининг кульминацион нуқтаси қаер?
2. Асарнинг қайси ьқисми ўрганишга мураккаб ҳисобланади?
3. Асардаги лига ва легато белгиларига тушунча беринг.